# Тошкент оқшоми

2018 йил 13 февраль, сешанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 29 (13.626)

Баҳоси эркин нархда


## ҚЎШМА КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Тошкентда Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон – Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.***

Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг 2017 йил 4-6 декабрь кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон – Афғонистон қўшма комиссиясини тузиш ҳақида келишувга эришилган эди.

Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг Хавфсизлик кенгашлари аппарати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари киритилди.

Йиғилишда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, қурол савдоси ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш ва уюшган трансмиллий жиноятчиликнинг бошқа шаклларига барҳам бериш масалаларидаги ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Божхона билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги ўзаро алоқаларни фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Хавфсизликни таъминлаш, қўшма тараққиёт ва инфратузилма лойиҳалари, жумладан, Мозори Шариф – Ҳирот темир йўли ҳамда Сурхон – Пули-Хумри электр узатиш линияси қурилишини амалга ошириш, шунингдек, Кобул ва Мозори Шариф шаҳарларидаги ишлаб чиқариш корхоналари, марказлари, савдо уйлари хавфсиз фаолиятини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг 2017 йилдаги расмий ташрифи доирасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда эришилган келишувларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Тошкентда бўлиб ўтган Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон – Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши мамлакатларимиз ўртасида хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликнинг мантиқий давомидир, – деди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Аҳмад Мансуров. – Йиғилишда икки давлат раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, хавфсизлик соҳасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги кўп қиррали ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг ижобий динамикаси қайд этилди. Транзит-транспорт, инфратузилма, савдо-иқтисодий, сармоявий, энергетика ва бошқа муҳим соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишдаги нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлик билдирилди.

– Икки давлат раҳбарларининг 2017 йил декабрь ойидаги учрашуви мамлакатларимиз ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берди, – деди Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳаниф Атмар. – Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон – Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши якунлари бўйича эришилган натижалар эса Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида келгусида стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Йиғилишда Афғонистон ва Марказий Осиёда узоқ муддатли барқарорликни таъминлашда тинчлик, изчил тараққиёт ва хавфсизлик масалаларининг узвий боғлиқлиги таъкидланди. Шу жиҳатдан Марказий Осиёда тинчлик, ҳамкорлик ва фаровонлик ҳудудини яратиш мақсадида минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда афғон муаммосини ҳал қилишнинг сиёсий-дипломатик воситаларидан янада самарали фойдаланиш орқали Афғонистонни қўллаб-қувватлаш муҳим экани қайд этилди.

Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон – Афғонистон қўшма комиссиясининг илк йиғилиши якунлари бўйича тегишли протокол имзоланди.

**ЎзА**

***Тошкентда 12 февраль куни Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Ким Донг Ён бошчилигидаги делегация аъзолари билан бизнес-мулоқот бўлиб ўтди.***

***Унда Жанубий Кореянинг Ташқи ишлар, Савдо, саноат ва энергетика вазирликлари, ишбилармон доираларининг 60 дан зиёд вакиллари, Ўзбекистондан ташқи савдо, сармоя, энергетика, автомобилсозлик, қурилиш, кимё, енгил саноат, тиббиёт, таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралар, компания ва концернлар раҳбарлари иштирок этди.***

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С.Холмуродов, Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Ким Донг Ён ва бошқалар Ўзбекистон – Жанубий Корея ҳамкорлиги савдо-иқтисодий, сармоявий соҳаларда тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил ноябрь ойида Жанубий Кореяга давлат ташрифидан сўнг бу муносабатлар янги сифат босқичига кўтарилди. Корея Республикаси делегациясининг мазкур ташрифидан кўзланган мақсад икки мамлакат раҳбарлари учрашуви чоғида эришилган келишувларни рўёбга чиқариш ҳамда Кореянинг йирик сармоявий компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Сўнгги йилларда ҳамкорлик учун янги уфқлар очилди, энергетика, нефть-газ, таълим, ахборот технологиялари, машинасозлик, кимё саноати ва бошқа соҳаларда қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Форумда Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти ҳақида видеоролик намойиш этилди. Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси А.Аҳмадхўжаев мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури тақдимотини ўтказди.

Мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Жанубий Кореянинг етакчи корпорациялари раҳбарлари Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун яратилган имтиёзлар катта қизиқиш уйғотаётгани, мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтиришдан ҳар томонлама манфаатдор эканини қайд этдилар.

Жанубий Корея делегацияси, шунингдек, Тошкентдаги Инҳа университетига ташриф буюрди. Бу ерда Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Ким Донг Ён халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларининг тарихи, ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида маъруза қилди.

**М.ЭЛМУРОДОВ**

## БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия Вестминстер демократия фондининг дастурлар директори Д.Ошонесси ҳамда Европа ва Марказий Осиё бўйича катта менежери К.Левик раҳбарлигидаги делегация аъзолари 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Отамуродов билан учрашди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро алоқалар кўплаб йўналишларда ривожланиб бораётгани таъкидланди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Учрашувда меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти, Олий Мажлис ҳузурида ташкил этилган Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолияти, Қонунчилик палатасининг тузилиши, сиёсий партиялар тўғрисида маълумот берилди.

Буюк Британия делегацияси аъзолари мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга юқори баҳо берди.

Музокарада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан илмий-таҳлилий соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Вестминстер демократия фонди делегацияси аъзолари, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида ҳам музокара ўтказди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ХИТОЙ ХАЛҚ ТАРОНАЛАРИ ТОШКЕНТДА

***Хитой миллий опера, рақс ва драма театри 1951 йилда ташкил топган. Театр таркибида опера, рақс труппалари, симфоник оркестр, стенография студияси ва халқ чолғулари оркестри мавжуд. Хитой Халқ Республикаси Маданият вазирлигига қарашли ушбу нуфузли даргоҳга мусиқашунос олим Тао Чен раҳбарлик қилмоқда.***

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида "Хитой янги йили: қувноқ баҳор байрами" деб номланган концерт айнан шу театрнинг халқ чолғулари оркестри томонидан намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев, Хитой Халқ Республикаси элчихонаси раҳбари Цзянь Янь хоним ва бошқалар икки давлат ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишончли ва манфаатли алоқалар билан мустаҳкаманиб, дўстона ҳамкорлик барча соҳалар каби маданият ва санъат йўналишида ҳам намоён бўлаётганини таъкидлади.

Театрнинг халқ чолғулари оркестри "Маданий мерос" ва "Ипак йўли" концерт дастурлари орқали Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистонда ижодий сафарда бўлиб, хитой халқининг мусиқий анъаналарини намойиш этишга муваффақ бўлди.

– Бугунги концерт юртимиз маданий ҳаётида чиндан ҳам унутилмас воқеа бўлди, – деди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори ўринбосари О.Баҳодиров. – Ижро этилган ҳар бир куйда тарихийлик, миллийликни сезиш мумкин. Хитойлик меҳмонларнинг анъанавий кийимлари ва ижро маҳорати ҳам кишини бефарқ қолдирмайди. Кўнгилга ором берувчи бундай мусиқалар учун таржимон шарт эмас. Эҳтимол, уларнинг кучи ва сеҳри ҳам аслида шундадир.

**Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА**

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Президентимизнинг 2018 йил 13 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Нукус темир йўл вокзалида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун келган йигитлар тантанали кутиб олинди.**

**• Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Учқулоч шаҳарчасида янги мактабгача таълим муассасаси фаолият бошлади. Янги ташкил этилган "Камалак" мактабгача таълим муассасаси шаҳарчадаги 90 нафар болани бағрига олди. Барча шароит яратилган муассасада 15 тарбиячи иш билан таъминланди. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, жорий йилда ҳудуддаги "Нурак", "Гараша", "Осмонсой", "Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам замонавий мактабгача таълим муассасалари қурилиб, ишга туширилади.**

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида икки йўлакли тизимни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижроси доирасида Урганч халқаро аэропортида 2018 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслар учун божхона ҳудудига кириб келиш ва уни тарк этиш бўйича "яшил" ва "қизил" йўлак тизими жорий этилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Республикамиз ҳудудларида тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Хоразм вилоятида эҳтиёжманд оилалар вакилларига маиший техникалар топширилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Англия пойтахти Лондон шаҳридаги Темза дарёси атрофидан иккинчи жаҳон уруши давридан сақланиб қолган ҳар қандай вақтда портлаши мумкин бўлган бомба топилди. Шу муносабат билан хавфсизлик нуқтаи назари туфайли шаҳар аэропорти вақтинчалик ёпилди. Ҳозирда бомбани зарарсизлантириш ишлари олиб борилмоқда.**

**• Италияда апельсинлар жанги номли ғайри табиий кўрик мусобақа бўлиб ўтди. Тадбир давомида фойдаланиш учун иштирокчиларга 500 тонна апельсин тарқатилди. 1808 йилдан бери ўтказиб келинаётган ушбу мусобақани томоша қилиш учун хориждан минглаб сайёҳлар ташриф буюрди.**

**• Жаҳондаги энг йирик нефть ва газ корпорацияларидан бири ҳисобланмиш "Бритиш петролеум" 2017 йил якунларига кўра ўз даромадларини икки баробарга – яъни, 6,2 миллиард долларга оширишга эришди. Ушбу муваффақият боис корпорация ўз акцияларини қайтадан сотиб олишни бошлади. Бу "Бритиш петролеум"га даромадларни янада оширишга имкон яратади.**

**Ахборот-коммуникация технологиялари**

# МАМЛАКАТИМИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРОН МАЙДОНЧАЛАРГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

***Жорий йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи компаниялар, дилерлар, юртимиз ва халқаро савдо белгилари вакиллари учун маҳсулотларини воситачиларсиз сотиш имконини берувчи “ZoodMall” электрон онлайн-майдончасини ишга тушириш режалаштирилмоқда.***

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти ва Швейцариянинг “Zoodel” компанияси ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа маҳаллий ва хорижий корхоналарга ўз маҳсулотларини улар учун энг қулай усулларда экспорт қилиш имконини берувчи янги техник ечимлар жорий этишни кўзда тутади. Хусусан, уларга ўз маҳсулотларини махсус мобиль иловалар орқали “ZoodMall” сайтига жойлаштириб, “eBay”, “AliExpress”, “Lazada” ёки “Cdiscount” сингари халқаро B2C-савдо майдончаларида оммалаштириш имконияти тақдим этилади.

“Zoodel” компаниясининг МДҲ давлатлари бўйича бош директори С.Муҳамедалиевнинг фикрича, “ZoodMall” мобиль иловаси маҳаллий тадбиркорларга халқаро бозорда онлайн-савдо юритиш имконини беради. Демак, дунё бўйича 300 миллиондан ортиқ салоҳиятли харидор Ўзбекистоннинг юқори сифатли маҳсулотлари билан танишади. Айни пайтда юртимиз истеъмолчиларига арзон нархларда кенг турдаги товарлар таклиф этилади ва “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти томонидан етказиб берилади. Ҳозирги кунда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти ва “Zoodel” компанияси ўртасида меморандум имзоланган. Унга мувофиқ, маҳаллий бизнеснинг халқаро электрон савдо майдончаларига чиқиши ва кўп томонлама савдо ҳажмини кўпайтириш мақсадида унинг рақобатбардошлигини ошириш механизми яратилади.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

# ТАДБИРКОРЛИККА МУҲИМ ЭЪТИБОР

***Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга кенг тушунтириш, берилаётган имтиёзлардан хабардор қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадбирлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Яшнобод туман бўлими томонидан ҳам ташкил этиб келинмоқда.***

Ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида уларга юклатилган мажбуриятларга, шунингдек, санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган сифатли маҳсулотларни сотиш таъкидланиб, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал, ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

“Авиасозлар деҳқон бозори” АЖда ҳамда “Паркент ихтисослаштирилган савдо комплекси” бозорида туман ДСИ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматлари агентлиги Яшнобод туман бўлими ходимлари билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи тадбиркорларни савдо фаолиятидан чалғитмаган ҳолда уларни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва фаолиятларига қонуний тус бериш мақсадида “Ягона дарча” маркази билан жойида рўйхатдан ўтказиш чоралари кўрилиб, шу кунга қадар 30 дан ортиқ жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг фаолиятлари қонунийлаштирилиши натижасида 36 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Бу билан тадбиркорликка оид қабул қилинган Фармон ва Қарорларда мустаҳкамланган бандлар ижросининг таъминланиши ва татбиқ этилиши билан фуқароларнинг ўз фаолиятларини қонун доирасида амалга ошириш ва келгусида бирор бир тўсиқларга дучор бўлмасликлари таъминланди.

Шунингдек, тадбирларда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозорида, деҳқон бозорларида ва савдо ярмаркалари расталарида сотиладиган асосий турдаги маҳсулотларнинг энг юқори чекланган нархлари мавсумийлигига қараб белгиланди ва агарда маҳсулотлар ушбу белгиланган нархдан юқори нархларда сотилса, бозор маъмурияти ўртасида тузилган шартнома бекор қилиниши тадбиркорлик субъектларига тушунтирилди.

**И.МУЛЛАЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси ҳузуридаги**
**СВОЖЖДЛҚК Департаментининг**
**Яшнобод туман бўлими**
**катта инспектори**

# СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Миллий матбуот марказида “Кафолат суғурта компанияси” акциядорлик жамиятининг 2017 йилги фаолияти таҳлилига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.***

Тадбирда “Кафолат суғурта компанияси” акциядорлик жамияти томонидан халқаро стандартлар асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кўрсатилаётган суғурта хизматлари, уларнинг мулкий манфаатларини суғуртавий ҳимоялаш, инновацион суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқиш ва сотиш йўлларини кенгайтириш, сифатли жавобгарлик тизимини яратиш, суғурта қопламаларини тўлаш тизимини соддалаштириш ҳамда мижозларининг талаб ва таклифлари доирасида фаолиятни янада такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз суғурта бозорида 27 та суғурта компанияси фаолият кўрсатаётган бўлиб, ҳозирда уларда 5,5 мингдан ортиқ ходимлар ҳамда 7 мингдан ортиқ суғурта агентлари жисмоний ва юридик шахсларга 130 дан кўп суғурта хизматларини таклиф этиб келмоқда.

“Кафолат суғурта компанияси” АЖ йирик суғурта компанияларидан бири бўлиб, ҳозирда компания тузилаётган суғурта шартномалари, ҳудудий бўлинмалари географияси ва суғурта мукофотлари тушуми бўйича етакчилардан ҳисобланади.

Компания томонидан аҳоли ҳамда юридик шахсларга қулай, пасайтирувчи коэффициентларни ўз ичига олган ва ҳар икки томоннинг манфаатларига тўлиқ мос келувчи суғурта хизматлари таклиф этилмоқда. Чет эл тажрибаси ва Ўзбекистон суғурта бозорида шаклланган тажрибалардан фойдаланиб, аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжларидан ва бозор талабидан келиб чиққан ҳолда янги, замонавий суғурта турлари ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, мавжуд суғурта турлари доимий равишда такомиллаштириб борилаётир.

– Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги “Кафолат суғурта компанияси” акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори компаниямиз фаолиятини ривожлантирищда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда, – дейди “Кафолат суғурта компанияси” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Равшан Нарзуллаев. – 2017 йилда мижозлардан суғурта қопламаларини тўлаб бериш бўйича 7 минг 400 дан зиёд аризалар келиб тушган бўлиб, улар бўйича 23,7 миллиард сўм суғурта тўловлари амалга оширилди. Суғурта қопламаларини тўлаш ва ҳужжатлар расмийлаштириш жараёнини осонлаштириш, суғурта шартномалари бўйича жавобгарликни тўлиқ ва ўз вақтида бажариш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Матбуот анжуманида компаниянинг истиқболдаги режалари борасида ҳам маълумотлар берилди. Жумладан, 2018 йилда республикамизнинг чекка ҳудудларида янги бўлинмалар тармоғини ташкил этиш орқали 80 га яқин иш ўринларини яратиш, тўлов жараёнларини мустаҳкамлаш, янги суғурта маҳсулотларини тайёрлаш, суғурта хизматларини интернет тармоғи орқали сотишни ривожлантириш, замонавий информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда виртуал офислар ва суғурта хизматларини кўрсатишнинг янги каналларини очиш каби бир қатор ишлар режалаштирилаётганлиги айтиб ўтилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

**Халқ депутатлари туман Кенгашларида**

# РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Яқинда халқ депутатлари Миробод, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Яшнобод туман Кенгашларининг навбатдаги иккинчи сессиялари ўтказилди. Сессия ишини халқ депутатлари туман Кенгаши раиси, туман ҳокимлари олиб борди.***

Туман Кенгашларининг сессияларида дастлаб, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ҳамда тармоқларни ривожлантиришнинг муҳим мақсадли комплекс дастурлари ижроси юзасидан туманда амалга оширилаётган ишлар, бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш масаласи атрофлича кўриб чиқилди.

Сессияларда туман ҳудудида иқтисодиётни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, фуқаролар соғлиғини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш белгиланди.

Шунингдек, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида модернизация жараёнларини жадаллаштириш, кўп қаватли уй-жой фондларини бошқариш ишларини такомиллаштириш, қарздорликни камайтириш, энергия ресурсларини тежаш борасида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва дастурларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш таъкидланди

Давлат мулкидаги бўш турган ва фойдаланилмаётган объектларни хатловдан ўтказиб бориш, улардан самарали фойдаланиш, бўш турган объектларни ижарага бериш орқали янги иш ўринларини яратиш ва бюджетга қўшимча даромадларни тушириш бўйича мунтазам иш олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Туман Кенгашлари сессияларида туман прокуратураси ва ички ишлар бошқармасининг туман ҳудудида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасидаги фаолияти кўриб чиқилди.

Ушбу масала муҳокамаси жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, уларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларининг кўриб чиқилишида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартиб ва муддатларга сўзсиз риоя қилиниши таъкидланди.

Секторлар бўйича ишларнинг янада кучайтирилиши, туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши борасида, аҳолининг дардини тинглаш, муаммоларини бартараф этиш, уларни рози қилиш бўйича жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан амалий ҳамкорликни таъминлаш чораларини кўриш белгиланди.

Шунингдек, туман Кенгашлари сессияларида Жиноят ишлари, Фуқаролик ишлари бўйича туман судлари ҳамда туман Маъмурий судларининг фаолияти юзасидан суд раисларининг ахборотлари тингланди. Ушбу масалалар муҳокамаси жараёнида барча судьялар ва суд ходимларининг ўз иш фаолиятига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб, уларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чораларини кўриш, судьяларнинг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига сўзсиз риоя этишларини таъминлаш, судьялик шаънига доғ тушириадиган ҳар қандай ҳаракатни “фавқулодда ҳолат” сифатида баҳолаб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этган ходимларга нисбатан муросасизлик муҳитини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, сайёр суд мажлислари жараёнида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш, ҳар бир судья томонидан аҳоли билан жойларда бир ойда камида бир марта очиқ мулоқотлар ташкил этиш, одил судловни амалга ошириш, оилавий муносабатларда юзага келаётган салбий ҳолатлар, эр-хотин ўртасидаги низолар, аёл ва болалар ҳуқуқларининг поймол бўлиши, ажрашиш, алимент ундириш, ажрашган она ва болаларни уй-жой билан таъминлаш каби муаммоларнинг ечими юзасидан таклифлар киритиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Халқ депутатлари туман Кенгашларининг бўлиб ўтган сессияларида туман Кенгаши ваколатига оид бошқа қатор масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Бектемир тумани ҳокимининг*

*ҚАРОРИ*

# БЕКТЕМИР ТУМАНИДА 2018 ЙИЛ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда; 2015 й., 30-сон, 402-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2018 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда “техника” деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида, шунингдек, Тошкент шаҳар “DAVTEXNAZORAT” инспекциясининг 2017 йил 12 декабрдаги 460-сон хатига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Бектемир туманида 2018 йил учун мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техника техник кўрикдан ўтказилганлиги учун “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель)нинг 3-бандига мувофиқ ҳақ ундириш,

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорлар:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатномани тўлдириш;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этишини таъминласин.

5. Комиссия (С.Хаитов) ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Д.Худаёров) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Компьютерлаштириш маркази” ДУКнинг Бектемир туман тармоқ администратори (А.Сафаров):

мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда ҳокимлик www.bektemir@toshkent.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор кучга киргандан сўнг, Бектемир тумани ҳокимининг 2017 йил 31 январдаги 43-сон “Бектемир туманида 2017 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.М.Латипов зиммасига юклансин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бектемир тумани ҳокими**
**Ш.Асқаров**

*2018 йил 9 февраль*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***



***Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида мумтоз адабиётимизнинг буюк намояндалари Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган бадиий-маърифий тадбир ўтказилди.***

# АЖДОДЛАР МЕРОСИ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА

"Назм ва наво" деб номланган анжуманда институт ректори С.Юнусов ва бошқалар мамлакатимиздаги маънавий янгиланишлар жараёнида улуғ алломаларимиз меросини чуқур ўрганиш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Буюк аждодларимиз асарларида тараннум этилган умуминсоний қадриятлар ёшларнинг ҳар жиҳатдан соғлом, юксак маънавиятли бўлиб улғайишида муҳим аҳамиятга эга.

– Таълим муассасаларида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини кенг ва атрофлича ўрганиш борасида самарали ишлар йўлга қўйилган, – деди филология фанлари номзоди, доцент Р.Баракаев. – Хусусан, буюк бобокалонларимиз ижодий меросига бағишланган кўплаб адабий кечалар, маънавият соатлари, маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Тадбирда институт талабалари томонидан шоирларимизнинг ғазаллари, рубоийларидан намуналар ўқилди, театрлаштирилган томошалар намойиш қилинди.

**Ш.МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЁШЛАР ОРЗУСИДАГИ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

***Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 16 августдаги "Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида биттадан Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари ташкил этилди.***

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги академик лицейлар ўқувчилари Ички ишлар вазирлиги академиясида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди. Уларга Академияга қабул қилиш шартлари, бу ердаги таълим-тарбия йўналишлари, мавжуд шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Маълумки, Академия ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Давлат раҳбарининг юқорида қайд этилган қарори асосида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Академиянинг кундузги таълим шаклига қабул кириш тест синовларисиз, махсус касбий танлов ва якка тартибдаги суҳбат орқали амалга оширилади. Бу ерда кундузги таълим муддати уч йил этиб белгиланди.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Академияда ички ишлар органларида камида уч йиллик иш стажига эга бўлган ички ишлар органлари ходимлари учун сиртқи таълим жорий этилди. Сиртқи таълим олий маълумотга эга бўлмаган шахслар учун тўрт йил, олий маълумотга эга бўлганлар учун тўлов-контракт асосида 3 йилни ташкил этмоқда. Академияда кадрлар тайёрлашнинг бир поғонали тизимли дастури бўйича олинадиган олий маълумот магистр даражасига тенглаштирилган.

Академия кундузги таълим бўйича ҳар йили 600 кишини, сиртқи таълимга эса 200 нафар ички ишлар органлари ходимини қабул қилиш имконига эга.

– Академияда яратилган шароит бизда катта таассурот қолдирди, – деди Ички ишлар вазирлигининг Навоий академик лицейи ўқувчиси Нодирабегим Ҳамроева. – Айниқса, моддий-техник база, ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот жараёнининг янги босқичга кўтарилгани бу ерда ўқиш ҳавасини уйғотди. Насиб қилса, албатта, шу олий таълим муассасасида таҳсил олиб, она юртимиз учун фидокорона хизмат қилишни ният қилдим.

**(ЎзА)**

# КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ: ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

***Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар таълим соҳасига инновацион ғояларни тарғиб этмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада бир қатор амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Ўзбекистон таълим тизими янги тараққиёт йўлига қадам қўйди. Президентимиз раислигида 2017 йилнинг ўзида таълим соҳасига бағишлаб 4 марта йиғилиш ўтказилди. Уларда таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш зарурати асослаб берилди, янги истиқболли йўналишлар бўйича вазифалар белгиланди.***



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 январдаги "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу фармон мазмун-моҳияти ҳақида **Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори Муродулло ХОЛМУҲАММЕДОВ** ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Мамлакатимизда ота-оналар ва ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари асосида 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим тизими жорий этилди. Бу ташаббус кенг жамоатчилик томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Навбатдаги яна бир ғоят муҳим масала – ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимидаги камчиликларни бартараф этиш, тизимга янги инновацион ғоялар жорий этиш эди. Бу масала Президентимизнинг "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ўз ечимини топмоқда. Тўғри, мазкур тизимда ютуқларимиз бор, шу билан бирга, камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолган эди. Булар нималарда намоён бўлади?

Айрим коллежлар аҳоли яшаш жойларидан узоқда бўлиб, бу кўп ҳолларда ўқувчиларнинг машғулотларга қатнашмаслигига сабаб бўлаётганди. Касб-ҳунар коллежлари моддий-техник базаси талаб даражасида эмас, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам етишмасди. Касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш тизими муаммолари ҳудудлардаги иқтисодий тармоқларнинг реал эҳтиёжидан ортда қолаётганида кўзга ташланди.

Маълумки, шу пайтга қадар касб-ҳунар коллежларида барча касблар 3 йил мобайнида ўқитиб келинган.

Эндиликда коллежлар вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарга бириктирилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистондаги касб-ҳунар коллежларининг келажакдаги қиёфаси ҳақида гапиришдан аввал бир пайтлар иқтисодиёти у қадар ривожланмаган мамлакатдан қисқа вақт ичида юқори технологиялар мамлакатига айланган, ушбу соҳада "катта сакраш"ни амалга оширган Жанубий Корея, Финляндия ва Сингапур давлатлари таълим сиёсатини эсга олиш ўринли. Бу мамлакатлар бундай ютуққа ўз таълим тизимига тўғри ўзгартишлар киритгани, тизимда тўғри сиёсат олиб боргани учун эриша олди. Ўқитувчиликка истеъдодли кадрларни жалб қилиш мақсадида уларнинг маоши ва обрўсини кескин оширган эди.

Таълим борасида энг илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, амалиётда қўллашни режалаштирган Ўзбекистон ҳам мана шундай тезкор ривожланиш йўлини танламоқда.

Ҳар бир тайёрлов йўналиши бўйича ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилади, миллий квалификацион рамкалар белгиланади ва касбга оид стандартлар жорий этилади. Профессионал стандарт маъноси шуки, дейлик, битта иш ўрни ишчидан қандай малака ва кўникма талаб қилади, ушбу ҳолат ўрганилиб, шу асосда модулли ўқув режалари пайдо бўлади. Таълим жараёни эса доимий равишда такомиллаштириб борилади. Бундан мақсад – касб-ҳунар таълими тизимини иқтисодиёт ривожланишининг муҳим компонентига айлантириш. Яъни юқори малакали ишчи, касб эгалари, иқтисодиётнинг ўрта бўғини мутахассислари тайёрланади.

Айни пайтда коллежлар фақат 9-синф битирувчиларини қабул қилган бўлса, эндиликда бундай стандартлардан воз кечилмоқда. Мисол учун. Фуқаро ўз касбини ўзгартиришни ният қилди. Дейлик, у ўзи яшайдиган ҳудудда янги қурилган тўқимачилик фабрикасига ишга кириш учун касб-ҳунар ўрганмоқчи. Бироқ, бундай ниятда бўлганларга кескин "йўқ" жавоби берилган. Соғлиғи тўғри келмагани сабабли бошқа касбни эгалламоқчи бўлган фуқаролар ҳам худди шундай муаммога дуч келган.

Эндиликда эса коллежларда нафақат мактаб битирувчилари, бунга қадар ҳам ўрта махсус маълумот олган, олий маълумотга эга бўлган, ишсиз қолиш хавфи остида қолган ихтиёрий ёшдаги фуқаролар ҳам таҳсил олишлари мумкин бўлади.

Ҳозирgача коллежлар фақат кундузги таълим шаклига эга эди. Келгусида коллежларда кундузгидан ташқари сиртқи, масофавий ва уйғунлаштирилган таълим йўналишлари йўлга қўйилади.

Шунингдек, ўқиш муддати 3 йил ва мажбурий бўлган бўлса, энди касбларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, 6 ойдан 2 йилгача муддатда ихтиёрий этиб белгиланди. Яъни эҳтиёж бўлдими, келиб ўқиш имконияти яратилди.

Юқори технологик тайёргарлик талаб қиладиган 6 ойдан 1 йилгача бўлган касбий таълим дастурлари буюртмачи иш берувчи корхоналар, идора ва ташкилотлар томонидан молиялаштирилади. Буюртмачиси бўлмаган шахслар ўзларининг шахсий жамғармалари ҳисобидан тўловни амалга ошириши мумкин. 1,5 – 2 йиллик мутахассисликни эгаллаш бўйича ўрта махсус ўрта бўғин таълим дастурлари олий таълимга муқобиллик асосида бир қисми грант, бир қисми контракт ҳисобидан амалга оширилади.

Иқтисодий жиҳатдан барқарор вазирлик, идора ва корпорациялар, йирик иш берувчилар ўз акциядорлари, ички имкониятлари доирасида ўқувчилар учун қўшимча стипендия ва шу каби қўллаб-қувватлашни амалга ошириши мумкин.

Президентимизнинг юқорида зикр этилган фармонида кам таъминланган оилалардан ўқувчилар касб-ҳунар (кўп тармоқли) коллежларида, уларнинг идоравий мансублигидан қатъий назар, бепул асосда ўқитилиши белгиланган. Касб-ҳунар коллежларида давлат гранти асосида таълим олган битирувчиларни, уларнинг эгаллаган касби бўйича, ҳудудларда камида уч йил ишлаб бериш учун ишга юбориш тартиби ўрнатилади.

Мухтасар айтганда, касб-ҳунар таълими тизимидаги бу ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётини, барча соҳаларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

**Улуғбек АСРОРОВ**
**ёзиб олди**

# ЖАҲОН САҲНАСИДА ЎЗБЕК МУСИҚАЧИСИ

***Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида дунёнинг етакчи мусиқа жамоалари, нуфузли оркестрлари билан биргаликда концерт бераётган ҳамюртимиз Беҳзод Абдураимов билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.***

Жорий йилнинг 15-16 февраль кунлари Германиянинг Франкфурт шаҳрида бўлиб ўтадиган концерт дастури олдидан ташкил этилган ушбу учрашув самимий, илиқ руҳда ўтди.

Ёш пианиночи Беҳзод Абдураимовнинг ноёб истеъдоди, юксак маҳорати дунёдаги етакчи нашрлар томонидан эътироф этилмоқда.

1990 йил Тошкент шаҳрида дунёга келган Беҳзод беш ёшидан мусиқа билан ошно. У Успенский номли Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида таҳсил олди.

Ўқишни АҚШнинг Park University ҳузуридаги халқаро мусиқа мактабида давом эттирган Беҳзод 2009 йилда Лондонда бўлиб ўтган халқаро ёш фортепьяночилар танловида Гран-при соҳиби, 2010 йили Германиянинг Kissinger Sommer танлови совриндори бўлди.

Сўнгги йилларда Б.Абдураимов жаҳондаги энг етакчи симфоник оркестрлар, моҳир дирижёрлар билан концерт дастурлари, мусиқий лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

– Ўзбекистон тарихи, маданияти, илм-фани ғоят бой мамлакат, – деди ЎзА мухбирига ёш пианиночи. – Кўплаб истеъдодларга Ватан бўлган бу заминда классик мусиқага бағишланган йирик фестиваль ташкил этишни, шу билан бирга ўзбек миллий мумтоз асарларини фортепьянода ижро этишни орзу қиламан. Негаки, мусиқа ҳар бир инсонга сув ва ҳаво сингари зарур бўлган бебаҳо неъматдир.

**Н.УСМОНОВА**

Янги китоблар

# СУХАНДОНЛАР ҲАҚИДА КИТОБ

***Сиз Иқбол Олимжонова ва Юнона Столярованинг юртимиз телевидениесида биринчи дикторлар бўлганини биласизми? Ёки "Маҳаллада дув-дув гап" фильмида Азиза ролини ижро этган Раъно Мадраҳимованинг биринчи дикторлар қаторида иш бошлаганини-чи? Ўктам Жобиров, Галина Мельникова, Насиба Иброҳимова, Насиба Қамбарова, Даврон Зуннунов каби дикторлар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлмоқчимисиз?***

"Сухандонлар" китобида айнан шу саволлар жавоби мужассам. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, олий тоифали сухандон Муслимбек Йўлдошев қаламига мансуб мазкур китоб яқинда "Ijod-press" нашриёти томонидан чоп этилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мазкур китоб тақдимоти ўтказилди.

Телевидение ва радио фахрийлари, турли йилларда фаолият юритган сухандонлар, санъаткорлар, талабалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари жам бўлган тадбирда академик Б.Назаров, филология фанлари номзоди, доцент О.Мадаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Н.Иброҳимова, адабиётшунос олим Ш.Ризаев, кинорежиссёр Т.Юнусов ва бошқалар мамлакатимизда телесухандонлик маданиятининг олтмиш йиллик тарихи жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, бугун у ўзига хос тарзда намоён бўлаётганини таъкидлади.

Муслимбек Йўлдошев қирқ йилдан буён телевидениеда диктор сифатида фаолият кўрсатади. У нафақат олий тоифали сухандон, балки иқтидорли ижодкор ҳамдир.

– Телевидениедаги фаолиятим жуда самарали ва қизиқарли бўлган, – дейди ЎзА мухбирига Дилфуза Ғуломова. – Бу лаҳзалар мен учун жуда ширин хотираларга айланган. "Студентлик олтин даврим", "Сенинг замондошинг", "Ғазалхон ёшлигим", "Қизлар даврасси" каби кўрсатувларда бошловчилик қилганман. Тиббиёт соҳасига ўқишга кириб, илмий иш ёқладим, лекин барибир менинг ҳаётим телевидение билан боғланган экан. Кейин кўп йиллар "Сиҳат-саломатлик" кўрсатувида бошловчилик қилдим.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Севара Назархон ва "Мерос" миллий қўшиқлар ансамбли ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

# МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Бугунги глобаллашув жараёнида ғаразли ниятдаги кимсалар интернет ва ижтимоий тармоқлардан ёшларни ўз тузоқларига илинтиришда фойдаланишга уринмоқда. Ўзларини яқин дўст сифатида танитиб, диний экстремизм, ахлоқсизлик ва бошқа бузғунчи ғояларни сингдиришга уринмоқда. Бундай иллатлар ҳар бир онгли кишини ташвишга солмоқда.***

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз борди.

Тадбир қатнашчилари ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини кучайтириш, уларни ёт ғоя ва мафкуравий хуружлардан асраш, соғлом фикр ҳамда қалб эгалари қилиб тарбиялаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирди.

– Глобаллашув даврида йигит-қизлар онгу шуурини интернет орқали кириб келаётган зарарли ғоя ва таъсирлардан самарали ва ишончли ҳимоялаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда, – дейди ижтимоий фанлар факультети психология кафедраси доценти Лутфулла Турсунов. – Бу эса ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ота-оналардан янада ҳушёр ва огоҳ бўлишни, ёш авлоднинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўламини янада кучайтиришни талаб қилади.

**(ЎзА)**

Тошкент молия институти жамоаси мазкур институтнинг "Банк иши" кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Акром Абдиназарович Омоновга волидаи муҳтарамаси

**ЎҒИЛОЙ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.







## Спорт янгиликлари

***Хитой Тайпейида футзал бўйича уюштирилган Осиё чемпионати якунига етди.***

# ФУТЗАЛ ТЕРМА ЖАМОАМИЗ – СОВРИНДОР

Ушбу нуфузли турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Баҳодир Аҳмедов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоамиз ярим финалда жаҳоннинг кучли терма жамоаларидан бири Эронга 1:6 ҳисобида енгилган бўлсада, қитъа биринчилигининг фахрли учинчи ўрини учун курашиш имкониятига эга бўлганди.

Бронза медаллар учун Ўзбекистон ҳамда Ироқ ўртасида кечган баҳс шиддатли курашлар остида ўтди. Учрашувнинг асосий вақтида томонлар муроса йўлини танлашга мажбур бўлишди. 4:4. Рақиблар дарвозасини Д.Чориев, А.Юнусов (2 та), И.Ҳамроев аниқ нишонга олишди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтилар серияси ҳамюртларимизнинг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди ва ҳамюртларимиз учинчи ўринни эгаллаб, бронза медаллари билан тақдирланишди.

Осиё чемпионлиги учун эса Эрон ва Япония терма жамоалари кураш олиб боришди. Эронликларнинг устунлигида кечган беллашув 4:0 ҳисобида форслар ғалабаси билан якунланди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# СЕНЕГАЛ БИЛАН ЎРТОҚЛИК ЎЙИНИ ЎТКАЗИЛАДИ

***Ўзбекистон футбол терма жамоаси Россиядаги жаҳон чемпионати иштирокчиси – Сенегал билан ўртоқлик ўйини ўтказади.***

Ушбу келишув амалга ошишида ФИФА президенти Жанни Инфантинонинг ёрдами катта бўлганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак.

Умид Аҳмаджонов Жанни Инфантино билан учрашув чоғида Ўзбекистон терма жамоаси учун кучли рақиблар билан ўртоқлик ўйинлари ташкил қилишда амалий ёрдам беришни сўраган эди.

Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 27 март куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз тарихида биринчи марта ЖЧ-2018 иштирокчиси Марокаш терма жамоаси билан Касабланка шаҳрида ўртоқлик ўйини ўтказади.

Таъкидлаш жоизки, Сенегал терма жамоаси мундиалда "Н" гуруҳидан ўрин олган бўлиб, гуруҳдан чиқиш учун Польша, Колумбия ва Япония терма жамоалари билан баҳс олиб боради.

Миллий терма жамоа учун кучли рақиблар билан ўртоқлик ўйинлари ташкил қилиш борасидаги музокаралар давом этмоқда.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

# КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ БУРЧИМИЗ

***Умумтаълим мактабимиз "Янги Белтепа" маҳалласида 1995 йилда қуриб, фойдаланишга топширилган кўркам зиё масканларидан ҳисобланади. Бу ерда бугунги кунда 810 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Энг қувонарлиси, мактаб ўтган йили мукаммал таъмирдан чиқарилиб, янада замонавий қиёфа касб этди. Бошланғич синфлар учун янги жиҳозлар олинди.***

Энди бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол, комил инсонлар қилиб тарбиялашга бор куч, ғайратимизни сарфлаяпмиз.

Аввало мактабдаги таълим-тарбия интизомдан бошланади. Ўқувчиларнинг давомати доим назоратга олинган. Уларни дарсга қатнашиши юз фоиз десам муболаға бўлмайди. Ундан кейинги вазифа ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаб боришга қаратилган.

Ўқувчиларимиз фан олимпиадалари, билимлар беллашувларида фаол иштирок этиб боришади. Яқинда 9-10-синфлар ўртасида ўтказилган "Билимлар беллашуви"да чизмачилик ва тасвирий санъат фанидан 9-синф ўқувчимиз Умаржон Ниёзов туман босқичида биринчи ўринни олиб, шаҳарга йўлланмани қўлга киритди. 10-синф ўқувчимиз Ирода Абдувалиева эса география фанидан 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, иқтисодий билимлар фанидан 9-синф ўқувчимиз Зебо Баҳодирова ҳам 3-ўринга лойиқ кўрилди.

Педагогик жамоамиз 38 нафарни ташкил этади. Уларнинг икки нафари 1-тоифали, 17 нафари 2-тоифали, 19 нафари мутахассис ўқитувчилардан иборат. Эндиликда шу мактабни битирган ўқувчиларимиз ўқитувчи сифатида ўзимизга қайтиб келаяпти. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган О. Умрзоқова яқиндан қадрдон даргоҳида ўқувчиларга физика фанидан дарс беришни бошлади.

Мактабимизда маънавий-маърифий тадбирларга доимо катта эътибор қаратилади. 250 ўринга эга фаоллар залимиз ўқувчиар ихтиёрида. Ҳозирда ўқувчиларимиз шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан "Ғазалхон ёшлигим" тадбирини кўтаринки руҳда ўтказишди.

Ўқувчиларимизга дарсликлар ижара тизимида юз фоиз таъминлаб берилган. Мактабимиз шаҳар ва туман рейтинг тизимида етакчи ўринлар сафига қўшилаётгани бизни қувонтиради, албатта. 2016–2017 ўқув йилида мактаб рейтинг бўйича шаҳар босқичида 180-ўринда, туманда 15-ўринни эгалладик.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида 22 та фан тўгараги, 3 та спорт, битта наққошлик тўгараги ишлаб турибди. Наққошлик тўгарагига Тошкент архитектура қурилиш институти доценти Бахром Ниғмонов жалб этилган. Биз педагогик жамоа ўқувчилар билан биргаликда мактаб ҳовлисини ободонлаштиришга катта эътибор берамиз. "Соғлом муҳит – соғлом ҳаёт" шиори остида ҳар бир ўқувчининг ўз ҳудуди ва гул кўчати бор. Яқинда шафрам, райҳон, гултожихўроз каби гулларнинг уруғларини олиб келиб экдик. Баҳорда уларни кўчат ҳолида ундириб, ҳовлимизга экамиз, ён-атрофдаги мактаб, мактабгача таълим муассасаларига берамиз.

Мактабда ўз фанини севадиган ўқитувчиларимиз талайгина. Чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси Нигора Қўчқорова 9 йиллик иш тажрибасига эга педагог. У ўқувчиларни ўз дарсига қизиқтиришда турли интерфаол усуллардан фойдаланиб кроссворд, тест ҳамда ҳар хил чизмалардан самарали фойдаланган ҳолда дарс ўтади. Ўқувчиларнинг қизиқишига қараб фигуралардан деталлар ясашади. Президентимиз таъбири билан айтганда, мактаб ўқувчиларини ҳар томонлама баркамол, ватанпарвар қилиб тарбиялаш, ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш – асосий вазифамиздир. Бугунги кунда мактабимизнинг бутун педагогик жамоаси шунга ҳаракат қилмоқда.

**Мавлуда УМАРОВА,**
**Шайхонтоҳур туманидаги 316-умумтаълим мактаби директори**

## Қилмиш – қидирмиш

# ФИРИБГАРЛАР ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

***Одам боласи қирқ ёшида ҳаёт тажрибасига эга бўлиб, ўзидан кичикларга йўл-йўриқ, маслаҳат бера оладиган бўлади.***

Аммо Нодир Саримсоқов бундайлар тоифасига кирмайдиганлардан бири бўлиб чиқди. Гап шундаки, у муқаддам олти марта судланган бўлишига қарамай ўзига тегишли хулоса чиқармади.

Одамларни алдаб юришни ўзига "касб" қилиб олган Нодир бир таниши орқали Акром Элмуродов билан учрашиб қолди. Шундан кейин унинг ишончига киришга ҳаракат қилди. Шу ўринда айтиш керакки, Акром исмли шахс Корея Республикасида ишлаш ниятида эди. Унинг мушкулини осон қиладиган "ҳожатбарор" ҳам топила қолди. Бу одам Нодир Саримсоқов эди.

— Оғайни, — деди Нодир, — агар Кореяга ишга бормоқчи бўлсангиз ҳужжатларингизни тўғирлашда ёрдам бераман. Лекин биласиз, у ерга кетаётганлар тест имтиҳонларини ҳам топшириши керак. Мен сизга танишларим орқали йўлланма олиб бераман. Харажатини кўтарсангиз бўлди.

— Қанча бўлади, — сўради Акром.

— Уч минг "кўк"идан берасиз.

Шу билан иш осонгина битди. Мўмайгина маблағ чўнтакка тушди.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Акром берган пул "ўз кучини" кўрсатмади. Тест синовлари ҳам ўтиб кетди. Бироқ Акром "йўлланма"сини ололмади. Берган пулини бир неча бор сўраб, Нодирнинг олдига борди. У эса турли баҳоналар билан уни алдаб юраверди. Албатта у пулни аллақачон ўз эҳтиёжига сарфлаб юборганди. Сабр-тоқати тугаган Акром охир-оқибат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Суд судланувчи Нодир Саримсоқовга жазо тайинлашда айбига иқрорлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини ва бошқа жиҳатларни эътиборга олди...

Яна бир мисол. Завқиддин Файзиев ҳам ана шундай фирибгарлардан бири сифатида суд олдида жавоб берди. Унинг қилмиши шундан иборат эдики, у Россия Федерациясидан депорт қилинган бир фуқарони чув туширди. Яъни, С.Отамуродовни алдаб, "сизни Қозоғистон орқали Россияга қонуний йўл билан жўнатаман", дея ундан алдов йўли билан 1200 АҚШ долларини қўлга киритди. Бироқ у ваъдасининг устидан чиқа олмади. Қисқа қилиб айтганда, Завқиддин шериги билан С. Отамуродовни сарсон қилишди. Пулни қайтармаслик учун бор маҳоратини ишга солди. Пулига куйиб қолган С.Отамуродов фирибгарга нисбатан чора кўришларини сўраб тегишли тартибда мурожаат қилди. Унинг иши ҳам судда кўрилиб қонуний жазо тайинланди.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтишимиз лозимки, ҳаётда озгина огоҳроқ, ҳушёррок бўлайлик, токи, ишонувчанлигимиз панд бериб қолмасин. Дуч келган одамга икки қўллаб меҳнат қилиб топган маблағини тутқазиб, кейин ололмай, оввораю сарсон бўлиб юрганлар қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин.

**Аброр САИДОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг раиси**

# АКЦИЯ:

# ҒАЗАЛ ЎҚИНГ ВА СОВҒА ОЛИНГ!

***Тошкент метрополитени ишга, ўқишга шошилаётган юртдошларимиз билан ҳамиша гавжум. Алишер Навоий номидаги метро бекатига тушарсансиз, ноодатий манзарага дуч келасиз, сизни у ерда доимгидек бекат назоратчилари эмас, Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин"и кутиб олади. Бекатда кўпчилик қўлида Навоий асарларидан парчалар ёзилган қоғозларни тутганча бир-бирларига ҳазрат мир Алишер ғазалларидан ўқиб бермоқда. Бундай креатив акция муаллифи Республика болалар кутубхонаси жамоасидир.***

Буюк шоир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги муносабати билан "Алишер Навоий" метро бекатида Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар кутубхонаси, Тошкент метрополитени бошқармаси билан ҳамкорликда "Навоий гулшани" мавзуида акция тадбири ташкил этилди. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий адабий меросини ўрганиш ҳамда унинг авлодларга мерос қолдирган дурдона асарларини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган акция тадбири адабиётга, китобга ошно бўлган ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмади.

– 200 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхонамизда китобхонларга анъанавий ва замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиб келинмоқда, – дейди Республика болалар кутубхонаси ходими Улуғбек Ёдгоров. – Кутубхонамиз www.kitob.uz, www.taqdim.uz, www.odob.uz веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқдаги саҳифалар орқали китобхонлик маданиятини ошириш борасида тарғибот ишларини амалга оширмоқда. Бугунги акциямизда ҳам метронинг кириш қисмида йўловчиларга Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижодига оид саволлар берилди, шоир ғазалларидан намуналар ўқиб бериш сўралди. Ғолиб йўловчилар метрополитендан фойдаланиш учун бир марталик жетон ва "Болалар адабиёти" журналлари билан тақдирланди. Акция "Алишер Навоий" метро бекатининг ичида ҳам давом этди. Қувонарлиси, тадбирда ёшларимиз, айниқса, олий ўқув юрти талабалари фаол қатнашди.

Метро бекатида акция ташкилотчилари Навоий асарларидан парчалар ёзилган, бежирим қилиб ўралган қоғозларни йўловчиларга тутқазишди. Қатнашчилар ўзларига берилган байтни баланд овозда ўқишди. Акция ғолибларидан бири Шаҳноза Алимбоева шундай фикрларни билдирди:

– Метро бекатида поезд кутарканман, қўлимга "Самуд" деб номланган байтни тутқазиб, уни ўқишимни сўрашганда бироз довдирадим. "Танимда доғлар узра ғамингки ўртади доғ, Кўринди ўзгача ул доғдин танимда фароғ" мисраларини баланд овозда ўқиганимда ҳамма олқишлади. Шунда худди ёш боладек қувончдан қизариб кетдим. Ўйлаб қарасам, охирги маротаба мактаб ўқувчиси пайтимда Навоий ғазалларини ана шундай баланд овозда ўқиган эканман. Тадбирдан мақсад ким ғолиблигини аниқлаш эмас, китобхонликка чақириш эканлиги қувонарли. Ташкилотчилар эса тарғиботнинг ўзига хос усулини топишибди. Шу сабаб ҳам акция ҳаммада катта қизиқиш уйғотди.

Мухтасар қилиб айтганда, метрополитен йўловчиларининг кўпчилиги "Алишер Навоий" метро бекатида тенгсиз мутафаккир Навоийнинг теран ижодини яна бир бор ёдга олди.

**Инобат АҲАТОВА,**
**ЎзА мухбири**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЛОЙИҲАЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Яшнобод филиалига тегишли тўлов шохобчаларини таъмирлаш ва видео кузатув тизимини янгилаш мақсадида лойиҳалаштириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 69-уй.

Телефонлар: (371) 289-69-60, 289-64-29.

Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 15 кун муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент молия институти қошидаги 2-сон академик лицей томонидан 2012 йилда Тулаганов Аббос Зокирович номига берилган L № 157088 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Олмазор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Камалов Шокир номига берилган Олмазор тумани, Сағбон тор, Мақола кўчаси, 24-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида 2006 йил 22 августда 427-сон билан ҳисоб рўйхатига қўйилган Ўзбекистон ветеринария мутахассислари ассоциациясининг Тошкент шаҳар бўлими 2016 йил 17 ноябрдаги Ўзбекистон ветеринария мутахассислари ассоциацияси Бошқарув йиғинининг қарорига асосан ихтиёрий тугатилаётганлигини маълум қилинади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда +99895 177-32-82 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 31-мактаб томонидан 1994 йилда Камбарова Айжамал Акимовна номига берилган АО № 447033 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2014 йилда Раҳимова Музаяна Бародаровна номига берилган К № 3543773 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **14 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, кучайиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5223

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 235

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — босма табоқ, офсет усулида босилади. 10877 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345